

Туркия Африканинг етти вилоятига 21 минг Қуръон ҳадя қилди



15:30 / 19.01.2022 1216

Туркия нодавлат ташкилоти ИНН гуманитар ёрдам фонди ўтган йили Африканинг етти давлатига Қуръони Каримнинг 21 минг қўлёзма нусхасини совға қилган эди. Бу ҳақда компания шанба кунги баёнотида маълум қилган.

ИНН баёнотида, босма Қуръони Карим йўқлиги сабабли, Африканинг кўплаб вилоятларида талабалар тахта ёки ёғочга оятлар ёзишни бошлаганлар. Шу сабабли, сўнгги 2021 йилда Африканинг етти вилоятида камида 21 минг Қуръон совға қилинди.

Қуръон ҳадя қилинган давлатлар Гвинея ва Малида 13500 нусха, Шадда 2900 нусха, Ганада 2000 нусха, Нигер ва Суданда 2000 нусха ва Серра-Леонеда 600 нусха.

ИНН шунингдек, ҳозиргача камида 263 минг нусха Қуръони Каримни дунёга ҳадя қилганини билдириб ўтган.

Хуршид Маъруф